# Хабар

XABAR

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 15 август № 33 (261) ● Сотувда нархи эркин


## КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

*Қашқадарё вилоятидаги жамоатчи мухбиримиз Сайфиддин ЭШОНҚУЛОВ телефон орқали хабар қилади:*

«Қашқадарётелеком» ҳиссадорлик жамиятининг ярим йиллик хўжалик иш фаолияти якунлари бўйича кенгаш ўтказилди. Унда корхонанинг барча филиаллари бошлиқлари, бош муҳандислари, бош ҳисобчилари ва мутахассислари иштирок этди. Кенгашни «Қашқадарётелеком» ҳиссадорлик жамиятининг Бош директори У. Воҳидов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди. У дебиторлик қарзларни камайтириш, ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш кераклигини алоҳида уқтирди. Корхона раҳбари 1997-98 йилги қиш мавсумига тайёргарлик ҳамда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар устида ҳам тўхталиб, бу борада олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермаслигини таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққан кенгаш аъзоси, мазкур ҳиссадорлик жамиятининг техник директори Ф. Ҳафизов яқин ойлар ичида қурилиши режалаштирилаётган замонавий рақамли АТСларнинг сифатли ишлаши учун алоқа линияларини ёзнинг ғанимат кунларидан фойдаланиб, техник меъёрга келтириш кераклиги ҳақида гапирди.

Йиғилиш давомида «Қашқадарётелеком» ҲЖ Қарши шаҳар ва Муборак, Косон, Нишон, Қамаши, Деҳқонобод туманларидаги филиалларининг етакчи ходимлари сўзга чиқиб, мавжуд ютуқ ва камчиликлар хусусида мулоҳаза юритди.

*Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ ёзиб олди*

## ТАЙИНЛАШЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги раҳбарларини тайинлаш тўғрисида»ги 1997 йил 1 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори вазифасига Абдувоҳид Ҳошимович ЖЎРАБОЕВ, Бош директорнинг биринчи ўринбосари этиб Владимир Лазаревич ШТЕЙНБЕРГ, Бош директор ўринбосарлари этиб Шомансур Шоюсупович ОБИДХЎЖАЕВ ва Махсум Мубоширович МАҲМУДОВ тайинланди.**

***

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра Ғолибшер Мелибоевич ЗИЁЕВ Давлат алоқа назорати бошлиғи, Абдулла Ниғматович ОРИПОВ Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори, Рихси Исахўжаевич ИСАЕВ Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори этиб тайинландилар.**



*Тошкент шаҳридаги 25-АТСнинг техник оператори Э. ЗАДОРКИНА ва электрончи муҳандис В. МАРКИНлар станциянинг бошқарув пультидан туриб АТС жиҳозларини назорат қилишмоқда.*

Суратчи Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

## ИЗЛАНИШ БОР ЖОЙДА...

***Пахтаобод туман почта алоқа боғламасининг 19 та алоқа бўлими, 3 та алоқа шохобчасида 34 нафар почтачилар аҳолига хизмат кўрсатаётир. Улар шошилинчномалар, хат-хабарлар билан бир қаторда 7968 нусха газета, 3382 нусха журнал ва 13784 нафар нафақачига пулларини етказиб бермоқда.***

Пахтаободлик почтачилар ишни ташкил қилишда кўп йиллик тажрибаларини, бутун имкониятларини ишга солишмоқда. Расулжон Парпиев, Абдумухтор Ҳусанов, Насибахон Отақўзиева, Анваржон Дўстматов етакчилигидаги «Пахтаобод-2», «Қирғизқўрғон», «Маданият», «Кўктўнлик» алоқа бўлимлари почта жўнатмаларини қабул қилиш, аҳолидан суғурта пулларини ўз вақтида ундиришда ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Почта алоқа боғламасининг тадбиркор ва ишбилармон ходимлари ҳар бир ишни обдан режалаштириб, сўнгра ишга қўл уради. Етти ўлчаб бир кес деганларидек, улар ҳамжиҳатликда вилоятнинг «Андижоннома» ва туманнинг «Давр садоси» газеталари таҳририятлари билан газета сотиш шартномалари тузишди. Шунинг натижасида 180 минг сўм соф даромад кўрилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Аҳолидан пул жўнатмалари, юбортмалар қабул қилиш, табрик шошилинчномаларни манзилга етказиш почтачиларнинг асосий юмуши бўлиб қолмоқда. Очиқхат, хатжилд сотиш яхши йўлга қўйилганлиги аҳолига анча қулайлик туғдираётир. Алоқа бўлимларида ҳар йили икки маротаба ҳужжатли тафтиш ўтказилиб турилибди.

Хизмат тури кўпайиб бораётир. Хўш, сифат-чи? Бу саволга туман почта алоқа боғламаси бошлиғининг ўринбосари Фозилжон Ортиқов қуйидагича жавоб қайтарди:

— Тўғри, фаолиятимизда оз бўлсада камчиликлар бор. Жумладан, алоқа бўлимларида почта қабул қилиб олингандан кейин ҳужжатларни вақтида расмийлаштирмаслик ҳоллари учради. «Дўнгқишлоқ», «Овушқа» алоқа бўлимларида Ф-16 ва Ф-24 варақаларини тўлиқ ёзмаслик, «Қумшайдон», «Бўстон-I» ва «Пушмон» алоқа бўлимларида нафақа пулларини нафақачининг айнан ўзига эмас, қариндош-уруғларига тўлаш, нафақа дафтарчасига пул берилганлиги ҳақида қайд қилинмаслик ҳоллари учради. Биз бундай камчиликларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгиладик.

Инсон манфаатлари йилида почта алоқа боғламасида ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, касбга бўлган иштиёқ тобора кучайиб бормоқда. Топилган соф даромаддан ходимларнинг оилаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда, шу соҳада ишлаб нафақага чиққан собиқ ходимларни йўқлашда фойдаланилмоқда.

*Қўлдош ҲОЖИМАТОВ, Андижон вилояти*

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### •Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар

● Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларида, шунингдек Тошкент шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

**● Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами танловининг якуний концерти бўлди.**

● Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида Сурхондарё вилоят матбуот бошқармасига қарашли «Адолат» телевидениеси расман рўйхатга олинди. Бу телевидение вилоят прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассислигида ташкил этилган.

**● Қозоғистон, Россия ва Омон ҳукуматлари ҳамда қатор халқаро консорциумлар 1999 йил охирига қадар Қозоғистондан Россиянинг Қора денгиз соҳилига нефть қувури ўтказиш тўғрисида бир битимга келдилар. Қурилиши тахминан 2 миллиард долларга тушадиган ушбу қувур орқали йилига камида 28 миллион тонна нефть юбориш мўлжалланмоқда.**

● АҚШдаги Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси аъзолари Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ва Чеченистон Президенти Аслан Масхадовга мактуб йўлладилар. Мактубда ёзилишича, уч ойдан буён Чеченистон ҳудудида номаълум шахслар томонидан гаровга олинган тележурналистлар — Елена Масюк, Илья Мордюкова ҳамда Дмитрий Ольчевлар зудлик билан озод этилиши лозим. Шу боис улар президентларни бу борада барча кучларни сафарбар этишга чақирдилар.

**● Япония ҳукумати мамлакатдаги АҚШ ҳарбий базалари учун сарф қилинаётган харажатларни қисқартиришга қарор қилди.**

● Швеция билан Латвия ўртасида фуқароларнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга визасиз кириб-чиқиши тўғрисидаги шартнома имзоланди.

*• Мустақиллигимизнинг олти йиллиги олдидан*

# ВАТАН ҲАР НАРСАДАН АЗИЗ

Тарихда машъум йиллар деб тилга олинадиган 1930 йиллари қизил империя мамлакатимизда коллективлаштириш сиёсатини юргиза бошлади. Ана шу сиёсатга қарши ер эгалари ғалаёнлар уюштирди. Коллективлаштиришга қарши чиққанлар эса аёвсиз жазоланди, узоқ юртларга бадарға қилинди. Украинанинг Херсон вилояти, Каховка туманига Фарғона вилояти Бувайда туманининг Маслаҳат қишлоғидан сургун қилинган Рожибой Ҳотамов ушалардан бири эди. Узбекистондан кўчирилган деҳқонлардан пахтачилик хўжаликлари тузилди. Мажбуран кўчирилганларнинг баъзилари маҳаллий шароитга мослаша олмай турли юқумли касалликлар сабабли, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаганлигидан қирилиб кетди. Рожибой аканинг Номозали исмли ўғли ҳам юқумли касалликдан нобуд бўлди.

Рожибой аканинг яна бир ўғли Валижон Херсонга келишганда олти ёшли болакай эди. Мустамлакачилар қарини қари демай, ёшни ёш демай Каховканинг жазирама иссиғида ғўза парвариши, пахта теримига сафарбар қилишар эди. Мабодо кимдир қаршилик кўрсатгудек бўлса, аёвсиз калтакланар эди. Онасининг этагидан тутиб юрган Валижон ҳам назоратчиларнинг даррасини кўп еган.

Рожибой ака украиналикларга пахта етиштириш илмини ўргатди. У пахтачилик бригадасига етакчилик қилди. Кунлардан бир куни Херсонга Узбекистондан хат борди. Хатда Рожибой Ҳотамовнинг Узбекистондаги совет тузумига қарши гуруҳнинг фаол аъзоси деган туҳмат гаплар битилган эди. Сўраб-суриштирмасдан уни қамоққа олишди. Оддий деҳқон Рожибой акани Узбекистондаги контрреволюцион гуруҳ аъзоси деб 1938 йили отиб ташлашди.

Санталат опа бир этак вояга етмаган фарзандлари билан тул қолди. Бу орада иккинчи жаҳон уруши бошланди. Намис фашистлари Украинани вақтинча босиб олди. Узбекистонлик сургун қилинганлар бошидан мустамлакачилар ёнғоқ чаққан бўлса, энди фашистлар кун бермай қўйди. Успиринлар қаторида ҳали ўн ёшга етмаган Валижон ҳам ўрмонга дарахт кесишга мажбуран сафарбар қилинди.

Оллоҳга шукрким, ўша қора кунлар тарихга айланди. Мана бугун туман алоқа бўлимида йигирма беш йилдан кўпроқ вақт хат ташувчилик, мантўрлик қилиб нафақага чиққан фахрий алоқачи Валижон Ҳотамов 38 нафар невараchеваранинг бобоси. Хонадони файзли-баракали, ҳамма нарсаси бор.

Валижон ота сургунда кечирган ҳаётини хотирлаб шундай дейди:

— Ҳа, ватансизликни бошимиздан кечирдик. Узга юртда эркин нафас олишга ҳам имкон беришмас эди. Сургунда бўлганимизда товуқ катагидек ўзимизнинг кулбамизга ҳам эга эмасдик. Ҳамма ерда бизга зуғум қилишар эди. Адолат тантана қилиб, 1950 йили она юртимизга қайтдик, қишлоғимиз аҳли бизни самимий кутиб олишди. Ҳашар йўли билан уй-жой қуришимизга ёрдам беришди. Ҳар доим дастурхон устида қўл очиб ўзга юртларда сургун машаққатларини тортиб ҳаётдан кўз юмган туғишганларимизу танишбилишларимизнинг руҳларига фотиҳа қиламиз, жойлари жаннатда бўлсин деймиз. Истагим — биз бошимиздан ўтказган дарбадарлик азобларини болаларимиз кўрмасин.

Юртдошларимиз мустақиллигимизнинг олти йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилаётган шу кунларда, қабиҳ сиёсат туфайли ўзга юртларда ватан дарди билан яшаган фахрий алоқачи Валижон Ҳотамовнинг фарзандлари бугун истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида эл-юрт корига камарбаста бўлишаётир.

***Қаюмжон ТУРСУНОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Фарғона вилояти***

# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ

***Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фойда (даромад)ни кўпайтиришга ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки меҳнатни қайта ташкил этиш орқали эришмоқдалар.***

***Натижада ходимлар сони қисқармоқда. Бир гуруҳ газетхонлар ходимлар сони қисқартирилиши, унинг оқибатлари ва кафолатлари ҳақида сўрашган.***

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда 2-қисм 1-банди «Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги» деб аталиб, ўз мазмунига кўра ходимлар сони қисқариши ва корхона тугатилишини назарда тутади. Бу икки асосда ҳам ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари тўхтатилади. Лекин меҳнат шартномасининг тугатилишида ўхшаш ва фарқ қиладиган томонлар мавжуддир. Буларни фарқ қилмаслик корхона ва ходимлар ўртасида меҳнат низоларини келтириб чиқаради.

Ўхшашликлар қуйидагича:

1. Ҳар икки ҳолатда ҳам камида икки ой олдин тилхат орқали огоҳлантирилади.
2. Огоҳлантириш муддати томонларнинг келишувига биноан пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.
3. Ишдан бўшатиш нафақаси тўланади ва иш қидириш даврида 2 ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.
4. Ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси тўхтатилганда таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун ушлаб қолинмайди.
5. Агар ходимлар меҳнат шартномаси тўхтатилган кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтсалар, маҳаллий орган берган маълумотномага биноан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойларидан ўртача ойлик иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ходимлар сони қисқариши ва корхона тугатилиши билан боғлиқ меҳнат шартномасининг тўхтатилишидаги фарқлар қуйидагича:

| ХОДИМЛАР СОНИ ҚИСҚАРГАНДА: | КОРХОНА ТУГАТИЛГАНДА: |
|---|---|
| 1. Корхонадаги ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган иш ҳажмининг қисқарганлиги — корхонада ўтказилган тадбирлар натижасида ва корхонада тасдиқланган янги ходимлар (штат) жадвали асосида. | Корхонанинг тугатилиши корхона мулкдори ёки корхонани ташкил қилиш ваколатига эга бўлган давлат органи ёхуд суднинг қарори билан амалга оширилади. |
| 2. Айрим лавозимлар, иш ўринлари қисқартирилиши муносабати билан ходимлар сони ҳам қисқариши мумкин, бу фақат қисқараётган лавозим, касб билан банд бўлган ходимларга тегишли. | Корхона батамом тугатилиши муносабати билан барча меҳнат шартномаси тўхтатилади. |
| 3. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда МК 103-моддасидаги афзалликларга эга бўлган ходимлар имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. | Бундай имтиёзлар қўлланилмайди. |
| 4. Корхона иш билан таъминлаш чораларини қидиради. | Бу масъулият юклатилмаган, истисно сифатида ҳомиладор аёллар, 3 ёшгача бўлган болалари бор аёлларга МК 237-моддасига асосан, уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан меҳнат шартномаси бекор қилинади. |
| 5. Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, албатта розилик олиниши талаб қилинади. Вакиллик органи 10 кун ичида қарор қабул қилиши ва жавоб бериши шарт. Иш берувчи эса қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. | Розилик олинмайди. |
| 6. Меҳнат таътилида бўлиши ёки вақтинчалик иш қобилиятини йўқотиш (касаллик) даври огоҳлантириш муддатига кирмайди. | Шу даврда ҳам меҳнат шартномаси бекор қилинади. |

***Яна шуни таъкидлаш керакки, иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси тўхтатилаётган шароитда ҳар бир жараённи тилхат ва далолатномалар асосида расмийлаштириш ва муддатларга алоҳида эътибор бериш тадбирни низоларсиз ўтказишни таъминлайди.***

***Маҳамадали ТУРҒУНОВ,***
***ҳуқуқшунос***

# СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

***1. Алоқа хизмати Сизни қониқтирадими?***
***2. Алоқа соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ қандай таклиф-мулоҳазаларингиз бор?***

***Бахтиёр АБДУКАРИМОВ,***
***Яккасарой туманидаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кичик корхонаси ходими:***

**1.** Мен бу саволга қисман «Ҳа, қониқтиради» деб жавоб бераоламан. Кичик корхонамиз аҳолининг байрам дастурхонига тортлар, ун маҳсулотларидан тайёрланадиган турли ширинликлар, пишириқлар, кулчалар, парварда тайёрлаб беради. Мижозларимиз буюртмаларни кўпроқ телефон орқали беришади, ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишади. Шунинг учун ҳам иш фаолиятимизни телефонсиз тасаввур қилолмаймиз. Баъзида ўзимиз ҳам бошқа жойларга иш юзасидан қўнғироқ қилишимиз керак бўлади. Айрим ҳолларда беш-олти марталаб, қайта-қайта рақам терганимиздан сўнг муддаомизга эришамиз. Асабимиз бир оз таранглашса-да, кўнглимизга олмаймиз. Республикамиз почта алоқа хизматига ҳам эътирозим йўқ. Хатимиз мўлжалдагидан бир кун кейин бўлса-да, ўз манзилига етиб боряпти. Шунисига ҳам шукр.

**2**. Алоқа соҳасига хорижнинг замонавий технологиялари кириб келаётгани айни муддаодир. Шу сабабдан алоқачи мутахассисларни тайёрлашда замонавий техникаларнинг ишлаш қоидалари билан яқиндан таништириб борилса, ёшларнинг хорижий мамлакатларда билим олишларига кенгроқ йўл очилса келгусида алоқа хизмати янада яхшиланади, деган умиддаман.

***Солиҳ ЗОИР ёзиб олди***



*Галина АҲМЕДОВА 17 йилдан буён алоқа соҳасида меҳнат қилиб келади. У шу кунларда Бухоро шаҳридаги 24-АТСнинг кросс хизматига етакчилик қилмоқда.*

**Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ**

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

# ТУЯҚУШ ПОЧТАЧИ

*Ботева шаҳарининг Чачва ва Кучва деган жойларида телефон алоқаси йўқ. Автобус ҳам юрмайди. Пиёда юриш учун ораси узоқ—йигирма километр.*

*Чачва ва Кучва аҳолиси шаҳарлараро алоқани маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда ўзларича ҳал қилишди. Улар туяқушни қўлга ўргатишди. Туяқуш бўйнига мактублар солинган тўрвани осишади-да, қўйиб юборишади.*

*Йигирма минут ўтар-ўтмас ғалати почтачи чанг-тўзон кўтариб тайинланган жойга етиб боради.*

*Айтишларига қараганда, туяқушга пул жўнатмаларини ҳам ишониб топширишар экан.*

# ҲАР ГАРДИ КЎЗЛАРГА ТЎТИЁ ВАТАН...

*Асрлар қаърида аждодлар руҳи,*
*Шону-шавкатидан таралур садо...*
*Таг-тахтли, ҳур халқнинг фарзандларимиз,*
*Фахрдан қалбларда юксак бир наво...*

*Даҳолар бешиги, муқаддас Ватан,*
*Шарқу-ғарб эшиги, муаттар Ватан.*

*Шу Ватан бизники — серқуёш бўстон,*
*Аму—Сир мавжидан қулф урган боғлар.*
*Симобий пахтазор ва мовий осмон,*
*Уфққа бўй чўзган адирлар-тоғлар.*

*Замини мўъжиза, зебу зар Ватан,*
*Табаррук тупроғи — дур, гавҳар Ватан.*

*Зижи Кўрагоний, Ал-жабр фани*
*Инсон закосига қўйилган ҳайкал!*
*Самарқанд, Бухоро, Хива нақшлари*
*Бунёдкор меҳнатдан топдилар сайқал.*

*Дилдаги армонлар, дардимиз Ватан,*
*Сен бизнинг боримиз, қадримиз Ватан.*

*Тўфонлар ўтдилар... Бардошли халқим*
*Юртини қайтадан тиклади мудом.*
*Этмоқчи бўлдилар манқурт ва забун,*
*Эрк дея интилиб яшадик ҳар он.*

*Эртаси тонг янглиғ мунаввар Ватан,*
*Ватанлар ичинда эй сарвар Ватан.*

***Неъматулла ЮНУСОВ,***
***Тошкент электротехника Алоқа институти доценти***

## Шунақаси ҳам бўлади

Инглиз ёзувчиси Вольтер Скотт Лондон кўчаларини газ билан ёритиш қурилмасининг лойиҳаси ҳақида шундай деган эди: «Бир тентак Лондон кўчаларини тутун билан ёритишни таклиф этмоқда».

* * *

1878 йили инглиз олими профессор Уилсон ўша вақтда Парижда намойиш қилинган жаҳон кўргазмасининг мўъжизаларидан бири ҳақида бундай деб айтган эди: «Электр чироғи масаласига келганда шуни айтиш кераккки, уни ёқлаб ва унга қарши кўп гаплар айтилди, лекин ўйлашимча, Париж кўргазмаси ёпилиши билан бу чироқ ҳам, унинг номи ҳам ўчади десам, менга ҳеч ким эътироз билдирмас».

***А. АЛИЕВ тайёрлади***

## ЛАТИФАЛАР

Сўзни жуда олифталик билан қўллайдиган бир профессордан сўрадилар:

— Қайси ҳайвонни кўпроқ хуш кўрасиз?

— Айтолмайман, одобсизлик бўлади.

* * *

Бир мажлисда «Хотин кимдир?» деган баҳс юритилар экан Ҳамид:

— Хотин — бу ари демакдир, — деди. Бир киши унинг фикрига эътироз билдирганида Ҳамид айтмоқчи бўлган гапини кенгроқ қилиб тушунтирди:

«Хотин— ари» деганимнинг маъноси шуки, ари ҳам игнасини санчиб жонни оғритади, ҳам патак-патак бол беради.

* * *

Тиббиёт имтиҳонида талабани саволга тутавериб қийнаган ўқитувчи охири:

— Бир хастани терлатмоқ учун нима қиласан? — деб сўраганида, талаба жавоб қилибди:

— Олиб келиб, сизга имтиҳон топширтираман!

* * *

Ўқитувчи:

— Инсон одамсимон маймундан пайдо бўлган.

Ўқувчи ўқитувчига ишорат қилиб паст овозда:

— Баъзилари одамсимон эшакдан.

## • Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига



Ғиждувон. Улуғбек мадрасаси. Суратлаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• Мерос

## КАЙКОВУС
# ИШҚ ВА УНИНГ ОДАТЛАРИ

***Эй фарзанд, то кишининг табъи латиф бўлмагунча ошиқ бўлмагусидур, нединким ишқ бешак табъи латифликдин пайдо бўлур. Ҳар нарсаки табъи латифликдин пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур. Шул важдинким латиф табъдин латифлик туғулур.***

Кўрмасмусан, йигитларнинг кўпи ошиқ бўлур. Ул жиҳатдин йигитларнинг табъи қариларнинг табъидин латиф бўлур. Ғализ табъ ва ялқов киши ҳеч вақт ошиқ бўлмас. Нединким, бу бир иллатдуркким, у руҳонийларга кўпроқ тушар. Аммо сен жаҳд қилиб ошиқ бўлмағилким, ошиқ бўлмоқ бағоят қаттиқ ишдур. Хусусан, қашшоқликда бир камбағал киши ошиқ бўлса, унинг қарашлари, термулишлари қон била боғланади... ишқ тушгусидур. Кўнгулга ишқ тушгондин сўнг табъинга мойил бўлур, кўнгул унинг суратини тақозо қилур. Агар сен шаҳватингни кўнглинг ихтиёрига қўйсанг, кўнглингни шаҳватга тобеъ қилурсан ва уни (маъшуқани) яна бир кўрмоқ тадбирида бўлурсан. Икки марта кўрғондин сўнг кўнглинг ҳавоси ғолиб бўлур, ундин сўнг уч мартаба кўрмакка қасд қилурсан. Учинчи мартаба уни кўруб, ҳар

лишлари қон била боғланади, қари кишининг эса олтинсиз муроди ҳосил бўлмағусидур. Бас, агар иттифоқо бир вақт сенга ошиқ бўлмоқ насиб қилса, зинҳор дилтанг бўлмағил. Нединким, киши ошиқ бўлса, ё висолда, ё фироқда бўлур. Билғилки, бир йиллик висол роҳати бир кунлик фироқ меҳнатига арзигусидур. Нединким, ошиқлик сартосар ранж ва меҳнатдур. Агар фироқда бўлсанг, ҳамиша азобдур ва агар висолда бўлсанг, маъшуқанг сенинг кўнглинг ҳолидин хабари бўлмаса, унинг нозу ёмон қилиқларидан висолнинг роҳатин билмассан. Агар маъшуқанг фариштага яқин бўлса ҳам ҳеч вақт халқнинг маломатидин қутула олмассан, халқ ҳамиша сенинг маломатинг ва маъшуқанг шикоятида бўлурлар, нединким, халқнинг одати шундоқдур. Бас, гар шундай экан, ўзингни сақлағил ва ошиқликдин парҳез қил, ошиқ бўлмоқ ақлли кишиларнинг иши эмасдур. Ақлли кишилар ошиқликдин парҳез қилмишлар, нединким, аввал бир зебо суратни кўргусидур, ундин сўнг кўнгулга сўз айтиб жавобин эшитсанг, ихтиёрни қўлингдин берурсан ва ундин сўнг ўзингни сақламоқ тиласанг ҳам сақлай олмассан. Иш илкингдин кетур. Ҳар кун ишқ зиёда бўлур, сўнгра кўнгулга ноилож тобеъ бўлурсан. Аммо агар биринчи кўрғонда ўзингни сақласанг, ақлни кўнгулга итоат қилдирсанг ва ўзингни ўзга нарсага машғул этсанг ва маъшуқангнинг дийдоридин кўз юмуб, ўзга ерда қарор тутсанг, бир ҳафта ранж чекарсан ва ул балодин ўзингни қутқарурсан. Лекин бундоқ иш ҳар кишининг иши эрмасдур. Бу иллатнинг иложин қилмоққа бир хирадманд киши керакдур.

Ишқ иллатининг доруси ҳамиша оғир юк чекмак, узоқ сафар қилмоқ ва доимо ўзини ранжга тутмоқ — бунга ўхшаш ишларни ихтиёр этмакдин ўзга нарса эмасдур. Аммо шундоқ кишини дўст тутки, сенга унинг суҳбатидин ва хизматидин роҳат етишсин. Шунда уни қабул қил, нединким, ошиқлик бошқа ва дўстлик бошқадур. Дўстликда кишининг вақти гоҳо хуш бўлса, гоҳо нохуш бўлур, аммо ошиқликда мудом ранж ва балода бўлур. Агар киши йигитликда ошиқ бўлса узрдур, уни ҳар киши кўрса маъзур тутғай ва айтуркким, йигитдур, айби йўқдур, лекин жаҳд қилким, қариликда ошиқ бўлмағил. Қарининг ҳеч узри йўқдур.

Ҳикоят. Ундоғ эшитибманки, Ғазнин вилоятида ўн ғулом бор эрди. Уларнинг бирини Нуштегин дер эдилар. Султон Масъуд уни барча қулларидин дўст тутар эрди. Бир неча йил шу аҳволда ўтди. Султон ўн ғуломнинг орасида қайси бирига муҳаббат пайдо қилғонин, унинг маъшуқи қайси эканлигин ҳеч ким билмас эрди. Беш йил шундоқ юрди. Бир кун султон маст ҳолда буюрдиким: «Отам Аёзга улуфа (аскар ва амалдорларга белгилаб қўйилган маош ва озиқ-овқатлар), ер, пул бағишламиш эрди, уларни Нуштегин отига ёрлиғ ёзинглар». Халойиқ шундан сўнг султоннинг мақсуди Нуштегин эрканин билдилар.

Эй фарзанд, агар ошиқ бўлсанг шундоғ кишига бўлғилки, ул маъшуқаликқа лойиқ бўлсун, Батлимус (Птоломей — милодий иккинчи асрнинг бошларида Искандарияда яшаган риёзиёт (математика), фалакиёт (астрономия) олимидир. У кўпроқ астрономия илми билан шуҳрат қозонган) ва Афлотундек, Яъқубнинг ўғли Юсуфдек (Шарқда кўп шоирлар томонидан ижод қилинган «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг асосий қаҳрамони, Пайғамбар Яъқубнинг ўғли) саҳобати (ҳусни) бўлмаса ҳам, бир оз малоҳати бўлсун. Шунда халойиқнинг тили таъна ва маломатдин боғлиқ бўлғай ва сенинг ишқингни маъзур тутғайлар, нединким халқ бировнинг маломатин қилмоқдин ва айбларин айтмоқдин бир лаҳза фориғ эмасдур.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир ўринбосари: Иззат АҲМЕДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Шодмон ОТАБЕК (Бош муҳаррир)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0553. 9666 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

